TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI
TDIU
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

6

2020

6
2020

Илмий журнал
Научный журнал
Scientific magazine

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

**Муассис**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Таҳрир кенгаши раиси:**

Шарипов Конгратбай Авезимбетович – т.ф.д., профессор

**Таҳрир кенгаши:**

Ғуломов Саидаҳрор Саидахмедович - и.ф.д., академик
Абдурахмонов Қаландар Ходжаевич – и.ф.д., академик
Ахмедов Дурбек Кудратиллаевич – и.ф.д., профессор
Бегалов Баходир Абдусаломович – и.ф.д., профессор
Бекмуродов Адхам Шарипович – и.ф.д., профессор
Болтабаев Махмуджон Рустамович – и.ф.д., профессор
Набиев Дилмурод Хамидуллаевич – и.ф.д., профессор
Содиқов Авазбек Мадаминович – и.ф.д., профессор
Бегимкулов Узокбой Шоимкулович – п.ф.д., профессор
Ғайибназаров Баходир Каримович – и.ф.д., профессор
Ражаббаев Шароф Рахимбердиевич - и.ф.н., доцент

**Таҳрир ҳайъати:**

Беркинов Бозорбой – и.ф.д., профессор
Йўлдошев Нуриддин Қурбонович – и.ф.д., профессор
Нишанбай Сиражиддинов – и.ф.д., профессор
Рашидов Октам Юнусович – и.ф.д., профессор
Тошматов Шухрат Амонович – и.ф.д., профессор
Умурзаков Баходир Ҳамидович – и.ф.д., профессор
Усманов Анвар Саидмахмудович– и.ф.д., профессор
Эргашходжаева Шахноза Джасуровна – и.ф.д., профессор
Ғофуров Убайдулла Вахобович – и.ф.д., доцент
Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич – и.ф.д., доцент
Насретдинова Шахноза Саидакмаловна – ф.-м. ф. н., доцент
Урманов Низамиддин Тулаганович – и.ф.н., доцент
Хакимов Рашид Хамдамович – и.ф.н., доцент
Ташматов Рустам Хусанович – и.ф.н., доцент

© ISSN 2010-6130

# ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

6
2020

**Илмий журнал**
**Научный журнал**
**Scientific magazine**

**Бош муҳаррир:**

Абдувалиев А. А. - и.ф.н., к.и.х.

**Адабий муҳаррир:**

Абдувалиев А. А. - и.ф.н., к.и.х.

**Масъул котиб:**

Камилова С.М.

**Мусаҳҳиҳ:**

Камилова С.М.

**Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан иқтисодий фанлар йўналиши бўйича олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари асосида ёзиладиган илмий мақолаларни нашр этишга тавсия этилган оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган.**

**Журнал саҳифаларида чоп этилган материаллардан фойдаланилганда "Иқтисодиёт ва таълим" илмий журналидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган. Мақолада келтирилган далиллар ва маълумотлар учун муаллиф жавобгар.**

**Веб-сайт манзили: http://cedr.tsue.uz**
**E-mail: iqt.tal14@mail.ru**

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 1008-сон билан рўйхатга олинган.

# МУНДАРИЖА


Умаров Ф.У. Уй хўжаликлари кузатувида инвестиция самарадорлигини ошириш давр талаби ........ 126

### МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ

Оқбоев А.Р. Тикув-трикотаж саноати корхоналарида бренд рақобатбардошлиги бошқариш ........ 132

Хуррамов С.Р. Бошқарув кадрларини лавозимга танлашда ва уларнинг салоҳиятини баҳолаш иерархик таҳлил усулини қўллаш ........ 137

Мардонов Ш.Р. Пахта тозалаш корхонаси маркетинг стратегияси самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш ........ 146

Умархонов Н.И. Опыт развитых стран по использованию маркетингового аудита ........ 151

Umurzaqova Z.S. Tashqi omil ta'sirini baholash mexanizmlarini takomillashtirish ........ 157

### КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

Urinov B.N. Issues of application of foreign practice of corporate culture in organizations ........ 161

### ИЖТИМОИЙ СОҲА

Касимова Г.А., Шолдаров Д.А. Ижтимоий соҳаларни молиялаштиришда давлат харидлари жараёнини ташкил этиш ва бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш ........ 164

Рахимжонов А.В. Нодавлат пенсия фондлари ва ўзбекистон пенсия тизимини такомиллаштириш зарурияти ........ 170

Ҳалимов Ф.Э. Жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида молиявий муносабатларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ........ 174

### ТАЪЛИМ

Салихов Н.Д. Мактабгача таълим тизимини бошқаришнинг баҳолаш услубиёти ........ 181

Навруз-Зода Б.Н., Тохиров Ж.Р. Давлат-хусусий шериклик асосида таълим хизматлари сифатини оширишнинг хориж тажрибалари ........ 189

Адизов Б.Б. Олий таълим муассасаларининг стратегик бошқарув тамойиллари ........ 196

### КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Бобаназарова Ж.Х. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари ........ 202

Жураханов М.Э. Роль государственной поддержки и развитие малого бизнеса Республики Узбекистан в период пандемии коронавируса ........ 205

### МЕҲНАТ БОЗОРИ

Кудбиев Ш.Д. Индикаторная оценка развития рынка труда и занятости населения Республики Узбекистан ........ 211

Ташпулатов А. Меҳнат бозорини имитацион прогнозлаштириш: тажриба ва услубиёт ........ 215

Шамиев Г.У. Тенденции развития человеческого капитала в Узбекистане: вопросы измерения и оценки ........ 219

### ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

Хажимуратов Н.Ш. Молиявий ҳисобот аудитининг методологик муаммолари ........ 225

Авлокулов А.З. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида таҳлилий амалларни қўллашни такомиллаштириш ........ 229

### СТАТИСТИКА

Соатов С.С. Ташқи савдо божхона статистикасида кўрсаткичларнинг корреляцион ва регрессион таҳлил қилиш усуллари ........ 235

### РЕКРЕАЦИЯ ВА ТУРИЗМ

Исломова Р.А., Мамадалиева Н.А. Навоий вилоятида экотуризмни ривожлантириш соҳасидаги муаммоларни иннавацион технологиялар асосида ечиш ........ 241

дуддаги кўрсаткичлари юқори бўлган МТМга «Намунали мактабгача таълим ташкилоти» номини бериб, моддий ва маънавий рағбатлантиришни йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўрганилган ҳудудларнинг паст натижага эришган МТМларига замонавий менежментнинг юқори самарали таъсирга эга усулларини жорий қилиш орқали, муассаса фаолиятини яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилади. Бу фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим ташкилотларини бошқаришнинг самарали воситаси ҳисобланади.


*Манба ва адабиётлар рўйхати:*

*1.Баева Л. В. An Introduction to early years Education in England [Book]. - Москва : Прометей, 2012.*

*2.Белых Светлана Сергеевна "Управление развитием дошкольного образования в Республике Коми в условиях рыночной экономики" [Диссертация]. - Сыктывкар, 1998.*

*3.Веракса Н.Е., Комарова Т.С., От рождения до школы. Основная общеобразовательная программа дошкольного образования [Book]. - Москва : Мозаика-Синтез, 2010.*

*4.Гамаюнов В.Г., Шемяков А.Д. Механизмы управления образованием [Journal] // Открытое образование. - Москва : [s.n.], 2017 йил. - 21(5). - pp. 63-71.*

*5.Григорьева Евгения Гербовна "Регулирование рынков дошкольных услуг" [Диссертация]. -Красноярск : 2008.*

*6.Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. "Таълим менежменти" умумий ўрта таълим муассасалари директорлари учун қўлланма [Book]. - Тошкент : Ворис-нашриёт, 2006. - pp. 14-16.*

*7.Квасникова Н.М. Управление инновационной деятельностью в учрежденияхдошкольногои общего образования. - Санкт-Петербург : Череповецкий государственный университет, 2012 йил.*

*8.Михеева С. А. Управление образованием и педагогический менеджмент: терминологический аспект [Journal] // Управление образованием: теория и практика. - Москва : [s.n.], 2018 йил. - 30. - pp. 11-22. - 2.*

*9.Омельченко Е.А., Зверкова А.Ю., Чеснокова Г.С. Дошкольное образование в условиях ФГОС: управление, методическая деятельность, психолого-педагогическое сопровождение [Book]. - Новосибирск : ООО ЦСРНИ, 2015.*

*10. Петряков П.А. Концепции и стратегии образовательного менеджмента ВУЗа в отечественной и зарубежной педагогике // Автореферат. - Великий Новгород, Россия : ИПЦ НовГУ, 2013 г.. - Т. стр. 21.*

*11. Сафаров О. С. Замонавий менежмент ёндашувлари асосида халқ таълими тизимини бошқаришни такомиллаштириш. - Тошкент : "Академияноширлик маркази" Давлат унитар корхонаси, 2018 йил. - p. 13.*

*12. Сафонова О.А. Управление качеством образования в дошкольном образовательном учреждении. - Москва : МПГУ, 2004 йил.*

*13. Семина Т.М. Совершенствование модели повышения квалификации руководителей дошкольных образовательных учреждений. - Новосибирск : Новосибирский педагогический университет, 2006 йил.*

*14. Смолин О. С. Управление учреждением образования в контексте образовательной политики: правовый аспект [Journal] // Право и образование. - Москва : [s.n.], 2006 йил. - 2.*

*15. Ўзбекистон Республикасининг "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонуни. - Тошкент : "Халқ сўзи" газетаси, Қонун, 2019 йил. - pp. 1-2.*

*16. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. - Тошкент : Халқ сўзи газетаси, Қонун, 2020 йил. - pp. 1-2.*

*17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори. -Тошкент : Халқ сўзи газетаси, Қарор, 2019 йил. - pp. 1-2.*

*18. Фалюшина Л.И. Управление качеством в макросистемах дошкольного образования . –М.: УлГТУ, 2005 йил.*

*19. Фильченкова И.Ф. Образовательный менеджмент инновационной деятельности педагогических исследований [Journal] // Вестник Мининского университета. - Нижний Новгород : Мининский университет, 2019 йил. - 4 : Vol. 7. - p. 3.*

*20. Ш. Шодмонова Мактабгача таълим педагогикаси [Book]. - Тошкент : Фан ва технология, 2008.*


## ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ


***Навруз-Зода Бахтиёр Негматович -***
***Бухоро давлат университети, и.ф.д., профессор***
***Тохиров Жавлон Рахимович -***
***Бухоро давлат университети, таянч докторант***



*Аннотация: Ушбу мақола таълим хизматлари сифатини оширишда Давлат-хусусий шерикликни қўллаш ҳолати ва ривожлантирилишига бағишланган. Мазкур мақолани ёзишда Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка Республикаси мамлакатларининг олий таълим муассасаларда таълим хизматлари сифатининг рейтинг кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Давлат-хусусий шериклик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таълим хизматлари сифатини ошириш борасидаги хулосалар берилган.*



*Калит сўзлар: Давлат ва хусусий шериклик, давлат сектори, хусусий сектор, таълим, таълим сифати, BRICS, QS, таълим хизмати.*

**Аннотация:** *Данная статья посвящена состоянию и развитию использования государственно-частного партнерства в повышении качества образовательных услуг. При написании статьи анализируются рейтинговые показатели качества образовательных услуг в высших учебных заведениях Бразилии, России, Индии, Китая и ЮАР. Сделаны выводы о повышении качества образовательных услуг с учетом характеристик государственно-частного партнерства.*

**Ключевые слова:** *государственно-частное партнерство, государственный сектор, частный сектор, образование, качество образования, BRICS, QS, образовательная услуга.*

**Abstract:** *This article is devoted to the state and development of the use of public-private partnerships in improving the quality of educational services. When writing an article, the rating indicators of the quality of educational services in higher educational institutions in Brazil, Russia, India, China and South Africa are analyzed. Conclusions are made about improving the quality of educational services, taking into account the characteristics of public-private partnership.*

**Key words:** *public-private partnership, public sector, private sector, education, quality of education, BRICS, QS, educational service.*

Ҳозирги даврда, бозор иқтисодиёти кўпчилик мамлакатлар учун хос бўлиб, у мулкчиликнинг турли шаклларидан ташкил топган иқтисодий тизим сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида бир-бири билан рақобатда бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини юзага чиқармоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, юқори самарадорликка эришиш учун кучларни бирлаштириш орқали ҳамкорлик қилиш бугунги кун талабига айланиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, замонавий бозор иқтисодиётини ривожлантиришда давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) қўлланилаётган мамлакатларда мазкур механизм юқори ижобий натижаларга эришмоқда.

Хусусан, XXI асрнинг бошига келиб иқтисодий адабиётларда ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида иқтисодий ўсиш суръатларига, жаҳон иқтисодиёти ва савдосида катта улушга эга Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитойнинг инглизча талаффуздаги (Brazil, Russia, India, China) номларининг бош ҳарфларидан ташкил топган BRIC мамлакатлари гуруҳи пайдо бўлди. BRIC атамасини 2001 йилда "Goldman Sachs" иқтисодчиси Джим Ўнил муомалага киритган. 2011 йил январдан бу мамлакатлар гуруҳига Жанубий Африка Республикаси (South Africa) ҳам киритилганлиги туфайли эндиликда BRICS деб аталмоқда[1].

2050-йилга бориб BRICS жаҳоннинг йирик иқтисодий марказига айланиши ва жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 40-45%ни ишлаб чиқариши мумкинлиги мутахассислар томонидан башорат қилинмоқда. Иқтисодий адабиётларда BRICS мамлакатлари охирги ўн йилликда эришган барқарор иқтисодий ўсиш суръатларида, бу мамлакатларга катта миқдорда инвестициялар кириб келишини таъминлаганлиги қайд этилган.

Маълумки, ҳозирги пайтда коронавирус инфекциясининг қисқа муддат ичида глобал миқёсида тарқалиши деярли барча мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келмоқда. Жаҳон банки 2020 йилда жаҳон иқтисодиётининг пасайишини тахмин қилмоқда, карантин муддатларининг чўзилиши туфайли ушбу тахминлар глобал ишлаб чиқариш ҳажмининг янада пасайишига олиб келмоқда. Шу туфайли, BRICS мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши қуйидагича башорат қилинмоқда (1-жадвал).

**1-жадвал**

**BRICS мамлакатларида глобал иқтисодий истиқболдаги башоратлар (ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (%) да)**

| № | Давлатлар | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бразилия | 1,3 | 1,3 | 1,1 | -8 | 2,2 |
| 2 | Россия Федерацияси | 1,8 | 2,5 | 1,3 | -6 | 2,7 |
| 3 | Ҳиндистон | 7 | 6,1 | 4,2 | -3,2 | 3,1 |
| 4 | Хитой | 6,8 | 6,6 | 6,1 | 1 | 6,9 |
| 5 | Жанубий Африка Республикаси | 1,4 | 0,8 | 0,2 | -7,1 | 2,9 |

*Манба: www.worldbank.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, коронавирус пандемияси даврида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг кўрсаткичлари тушиб кетиши ва шу даврда иқтисодий фаолликнинг сезиларли пасайиши Давлат бюджети барқарорлигига хавф туғдиради. Хусусан, Давлат бюджети барча ижтимоий масалаларни ечиш учун етарли

маблағларни ажратишга қурби етмай қолади. Бунда бизнеснинг молиявий кўмаги зарур бўлади. Кўриниб турибдики, 2021 йилга бориб ЯИМнинг ўсиши кузатилади. Чунки, Бразилия ривожланган қишлоқ хўжалик базасига, Россия жуда катта миқдордаги табиий қазилма бойликларига, Ҳиндистон нисбатан арзон интеллектуал ресурслар бозорига, Хитой арзон ишчи кучига, Жанубий Африка Республикаси эса ишлаб чиқариш ва кончилик саноатига эга. Шу тариқа BRICS мамлакатлари жаҳон иқтисодиётида бир-бирини тўлдириб туради.

Шуни эътироф этиш керакки, BRICS мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидаги мавқейининг ортиб бориши замирида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, катта миқдорда хорижий инвестициялар кириб келиши, таълим, тадбиркорлик омилларига қаратилган эътибор ётади.

Сўнгги 15-20 йил давомида тўпланган халқаро тажриба шуни кўрсатадики, иқтисодий ривожланиш учун ресурс базасини кенгайтириш, фойдаланилмаётган захираларни жалб қилиш, давлат ва муниципал мулкларни бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий механизмларидан бири бу ДХШ эканлиги айни ҳақиқат. Ушбу ҳамкорлик жаҳон иқтисодиётида нисбатан янги ҳодиса бўлиб, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро муносабат шаклларининг кенгайиши ва мураккаблашувини акс эттиради. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, BRICS мамлакатларида ДХШга йўналтирилган инвестицияларнинг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

**BRICS мамлакатларида ДХШга йўналтирилган умумий инвестициялар**

| № | Давлатлар | Умумий лойиҳалар сони (донада) | Умумий инвестициялар ҳажми (млн. АҚШ долл ) | Амалдаги лойиҳалар сони (донада) | Амалдаги инвестициялар ҳажми (млн. АҚШ долл) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бразилия | 951 | 361,224 | 917 | 356,763 |
| 2 | Россия Федерацияси | 91 | 36,924 | 87 | 36,886 |
| 3 | Ҳиндистон | 1,031 | 252,897 | 989 | 238,571 |
| 4 | Хитой | 1,655 | 193,701 | 1,614 | 188,681 |
| 5 | Жанубий Африка Республикаси | 110 | 25,566 | 102 | 25,566 |

*Манба: www.pppknowledgelab.org маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Таҳлилларнинг кўрсатишича, BRICS мамлакатларида ДХШга йўналтирилган умумий инвестицияларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг қуйидаги тармоқ ва соҳаларида амалга оширилган:

- электр таъминоти;
- темир йўллар қурилиши;
- аэропортлар қурилиши;
- йўллар қурилиши;
- сув таъминоти ва канализация;
- табиий газ етказиб бериш;
- портлар қурилиши.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳам ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қулай шароитлар мавжуд бўлиб, ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Мамлакатимизда ДХШга йўналтирилган инвестициялар иқтисодиётнинг бир қатор тармоқ ва соҳаларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда (1-расм).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сон қарори ижросини таъминлаш орқали ДХШ лойиҳаларини ташаббус қилиш, ишлаб чиқиш ва хусусий шерикни танлаш, дастлабки баҳолаш тартибини белгилаш, концепциясини тайёрлаш, ҳисобот ва реестрини юритиш тартибини амалга ошириш таъминланади [3].

Ушбу қарорнинг 56-бандига мувофиқ ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати — ДХШ объекти учун жалб қилинган капитал қўйилмалар ва инвестицияларнинг тўлиқ қопланиш муддатидан, шунингдек, ДХШ лойиҳасини амалга ошириш даврида олинган асосий воситалар ва бошқа мол-мулклардан фойдаланиш муддатидан ҳамда олинадиган соф фойда кўрсаткичларидан келиб чиқиб белгиланади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларигача бўлган эквивалентдаги ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатини узайтириш — хусусий шерик томонидан қўшимча равишда капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шарти асосида ваколатли давлат органи ва давлат шериги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.




**1-расм: ДХШ лойиҳалар сони (донада) [2]**

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги ДХШ тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддатини узайтириш — хусусий шерик томонидан қўшимча равишда капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шарти асосида ваколатли давлат органи ва давлат шериги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Дарҳақиқат, ДХШ мақсадли инвестицияларни жалб қилишнинг сифат жиҳатдан янги ва самарали усули ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг маълумотларига кўра энергетика, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, транспорт, экология, таълим, сув хўжалиги каби соҳаларда умумий қиймати 5,8 млрд долларлик 66 та лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

ДХШ ривожланиши давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро таъсир кўлами ва шаклларининг кенгайишига сабаб бўлувчи асосий омиллар билан белгиланади. Булар:

Биринчидан, ДХШ бизнес ва давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга имкон берадиган аралаш иқтисодиёт механизмларидан биридир.

Иккинчидан, ДХШ хусусий секторнинг ресурсларини давлат ва маҳаллий ҳокимият органларига тегишли тармоқлар ва соҳаларда кўпайиш жараёнларига жалб қилиш орқали бюджет маблағларини сарфлаш самарадорлигини ошириш учун хусусий тадбиркорлик ташаббусидан фойдаланиш имкониятини яратади.

Учинчидан, муайян лойиҳалар доирасида бизнес ва давлатнинг кучлари ва маблағларини бирлаштириш уларнинг қўшимча рақобатдош устунликларини шакллантиради. Давлат идораларига қараганда, бизнес кўпроқ ҳаракатчанликка, тезкор қарор қабул қилишга, янгиликларни яратишга ҳамда рақобатбардошликни таъминлаш учун техник ва технологик яхшиланишга интилиши айни ҳақиқат. Ҳукумат ўз навбатида, ДХШ лойиҳаларини янада муваффақиятли амалга оширишни таъминлашда барқарор меъёрий-ҳуқуқий базани яратиши, фаолиятни ташкил этиши, фуқаролик жамияти билан ўзаро муносабатларни, молиявий ва иқтисодий воситаларни: субсидиялар, кафолатлар, солиқ имтиёзлари ва бошқаларни қўллаши лозим.

<table>
<tr><th rowspan="2" colspan="2">Молиялаштириш манбасига кўра</th><th colspan="2">Ижрочилар</th></tr>
<tr><th>Хусусий</th><th>Давлат</th></tr>
<tr><td></td><td>Хусусий</td><td>Хусусий мактаблар<br>Хусусий университетлар<br>Уй мактаблари<br>Репетиторлик курслари</td><td>Фойдаланувчи тўловлари<br>Таълим кредитлари</td></tr>
<tr><td></td><td>Давлат</td><td>Кафиллик<br>Шартномавий мактаблар<br>Одатий мактаблар<br>Махсус мактаблар</td><td>Давлат мактаблари<br>Давлат университетлари</td></tr>
</table>

**4-расм. ДХШ хизматларининг молиялаштириш манбалари ва ижрочилари[11]**

Мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг мустақиллиги, тадбиркорликнинг эркинлиги, ресурслар эркин алмашинувининг таъминланиши бозор иқтисодиётига самарали амал қилаётганидан дарак беради. Товар ва хизматлар ишлаб чақарувчи қанчалик мустақил бўлса, бозор ҳам шу даражада яхши ривожланади. Таълим соҳасида иқтисодий мустақилликка эришиш, бир томондан, таълим муассасаларининг ҳам ўз маблағлари, ҳам таълим, илмий ва хўжалик фаолиятидан келган ресурсларини тасарруф этишдаги эркинлиги тушунилса, иккинчи томондан, ўз фаолияти натижалари юзасидан тўлиқ иқтисодий жавобгарлиги тушунилади.

Таълим муассасаси фаолиятининг ташкилий-бошқарув асосларини ўзгартириш иқтисодиётини қайта куриш билан бир вақтда кечади. Таълим муассасасида молиявий бошқарувнинг сифатини баҳолашда молиякредит механизмининг амал қилиш хусусиятларини тадқиқ этиш мухим ўрин эгаллайди. Бу дегани, мамлакатнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабини амалда қондириш, тизимни молиялаштириш ҳажмларига бевосита боғлиқдир, бу эса, ўз навбатида, давлатнинг иқтисодий ҳолати ва таълим сиёсати билан белгиланади.

Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган дунёда инсон капиталига бўлган эҳтиёж ва уни ривожлантириш асосий мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда. Инсон капитали жаҳон даражасидаги университетларни ўз ичига олган рақобатбардош ва мослашувчан таълим тизимига асосланган. Бутун дунё бўйлаб барча олий таълим муассасалари (ОТМ)нинг ходимлари ўз университетларининг нуфузи учун кураш олиб боради ва ўз таълим муассасаларининг глобал рейтингда юқори ўринларни эгаллаши учун курашади.

2013 йилда ишга туширилган "QS BRICS University Rankings" бешта мамлакатдаги энг яхши университетлар фаолиятини баҳолаб, ҳар йилги рейтингни тузиб боради. Ушбу рейтинг тизими BRICS мамлакатларининг олий таълим соҳасида эришган ютуқларини кузатиб боради ҳамда муҳим ижтимоий-иқтисодий динамикаларга эга бўлган давлатлардаги баъзи университетларни таққослашга кўмаклашади. Шуни назарда тутиш керакки, рейтингдан асосий мақсад маълум бир билим соҳасидаги энг яхши олий ўқув юртлари, уларнинг ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва таълим бериш фаолияти сифатини баҳолашдан иборат. Ушбу мақсадларни инобатга олган ҳолда, ҳар бир мамлакат мутахассислари билан кенг қамровли маслаҳатлашувдан сўнг методологияда фойдаланиш учун саккиз кўрсаткич танлаб олинган. BRICS рейтингини тузишда фойдаланилган саккиз кўрсаткич қуйидагилар:

- илмий салоҳият (30%);
- иш берувчиларнинг битирувчиларга берган баҳоси (20%);
- профессор-ўқитувчиларнинг талабаларга нисбати (20%);
- илмий даражали ходимлар (10%);
- эълон қилинган илмий асарлар кўрсаткичи (10%);
- илмий мақолаларга келтирилган иқтибосликлар (5%);
- хорижий факультетлар (2,5%);
- халқаро талабаларнинг улуши (2,5%).

"Quacquarelli Symonds" (QS) бўлажак талабаларга қайси университет улар учун энг маъқул бўлишини танлаш ва маълумот йиғишда ёрдам бериш учун мўлжалланган. Ҳар бир университет бир нечта тоифалар бўйича "Юлдузли" рейтингга сазовор бўлганлиги, таълим муассасасининг кучли томонларини тезда аниқлаб олишлари ва энг муҳим бўлган соҳаларда юқори рейтингга эга бўлган университетларни қидиришлари мумкинлигини англатади. BRICS мамлакатларида ОТМларнинг "QS BRICS University Rankings" рўйхатида йиллар кесимида таҳлил қилганда қуйидагича маълумотларга эга бўлдик (3-жадвал).

**3-жадвал**

**"QS BRICS University Rankings" рейтинг кўрсаткичларида ОТМларнинг сони (донада)**

| № | Давлатлар | 2016 йил | | | 2017 йил | | | 2018 йил | | | 2019 йил | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ОТМ сони | Давлат ОТМ | Хусусий ОТМ | ОТМ сони | Давлат ОТМ | Хусусий ОТМ | ОТМ сони | Давлат ОТМ | Хусусий ОТМ | ОТМ сони | Давлат ОТМ | Хусусий ОТМ |
| 1 | **Бразилия** | 40 | 34 | 6 | 54 | 46 | 8 | 61 | 52 | 9 | 90 | 70 | 20 |
| 2 | **Россия Федерацияси** | 52 | 52 | 0 | 55 | 55 | 0 | 68 | 68 | 0 | 100 | 98 | 2 |
| 3 | **Ҳиндистон** | 31 | 26 | 5 | 44 | 37 | 7 | 65 | 53 | 12 | 84 | 70 | 14 |
| 4 | **Хитой** | 68 | 66 | 2 | 87 | 85 | 2 | 94 | 92 | 2 | 112 | 109 | 3 |
| 5 | **Жанубий Африка Республикаси** | 11 | 11 | 0 | 11 | 11 | 0 | 12 | 12 | 0 | 13 | 13 | 0 |
| | **Жами:** | **202** | **189** | **13** | **251** | **234** | **17** | **300** | **277** | **23** | **400** | **361** | **39** |

*Манба: www.topuniversities.com/university-rankings/brics-rankings/ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, рейтингга қатнашувчи ОТМлар йиллар кесимида ортиб борган. Айниқса, давлат ОТМлар сони 2016 йилдаги ҳолатидан 2019 йилда қарийб икки баробарга ошган. Худди шундай хусусий ОТМлар ҳам 2016 йилга нисбатан 2019 йилга бориб уч баробарга ошганини кўришимиз мумкин. Бу қуйидаги расмда ўз аксини топган (2-расм).




**2-расм: "QS BRICS University Rankings" рейтинг кўрсаткичларида давлат ва хусусий ОТМлар сонининг (донада) йиллар кесимида ўсиш кўрсаткичлари**

*Манба: www.topuniversities.com/university-rankings/brics-rankings/ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Таълим соҳасида давлат ва хусусий секторнинг фаолиятини фарқлаш ва аниқ белгилаш жуда қийин. Чунки, иккала сектор ҳам таълим хизматларини кўрсатишда ўзаро алоқа ўрнатган бўлади. Бундай ҳамкорликнинг устувор йуналишларидан бири таълим тизимида кенг қўлланилиши ҳисобланиб, таълим сифати ва самарадорлигининг оширилишини кўзда тутади.

Тадқиқотларимиз натижаси шуни кўрсатадики, "QS BRICS University Rankings" рейтинг кўрсаткичларида давлат ОТМларининг сони юқори бўлиб, хусусий ОТМлар озчиликни ташкил қилади. Аммо, ДХШ шаклидаги ОТМлар рейтингда умуман учрамайди. Бу ўз-ўзидан BRICS мамлакатларида ОТМларнинг монопол бўлишларига имконият яратади. Рейтингда юлдуз олган ОТМлар сони озчиликни ташкил қилади (3-расм).




**3-расм: "QS BRICS University Rankings" рейтинг кўрсаткичларида турли даражадаги юлдузларни олган ОТМлар сони (донада)**

*Манба: www.topuniversities.com/university-rankings/brics-rankings/ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Мамлакат иқтисодиётда кўп укладлиликни ҳамда рағбатлантирувчи кучга эга бўлган рақобат муҳитини яратиш орқали давлатни мулкка бўлган монопол ҳуқуқини тугатиш, хусусий мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарни барпо этиш стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Айни шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, мамлакатда ОТМлар ўртасида рақобат муҳитини яратиш долзарб ҳисобланади. Фикримизча, мулкчиликнинг турли шаклларидаги ОТМларни яратиш қуйидагича бўлиши мумкин:

- ✓ давлат ОТМларини ташкил этиш;
- ✓ хусусий ОТМларни ташкил етиш;
- ✓ ДХШ ОТМларини ташкил этиш.

Аммо шуни ҳам эътироф этиш керакки, рейтинг кўрсаткичларида турли даражадаги юлдузларни эгаллаган ОТМларнинг катта қисми давлат ОТМлар ҳиссасига тўғри келади. Мазкур соҳада олиб борган тадқиқотларимиз натижасида айтиш мумкинки, рейтинг кўрсаткичларида паст натижаларни қўлга киритган давлат ОТМларини хусусий ОТМларга ёки ДХШ ОТМлари асосида ташкил этиш мақсадли қўлланиладиган амалий фаолият ҳисобланади.

Таълим соҳасидаги ДХШ давлат ва хусусий секторнинг таълим харажатлари ва хавф-хатарларини биргаликда молиялаштиришни назарда тутади. Таълим сифатини таъминлаш моделининг шартномасига биноан аниқ вақт, белгиланган нарх, миқдор ва маълум бир хизматни сотиб олиш учун ишлатиладиган механизмини ўз ичига олади [4].

ДХШ хизматларининг молиялаштириш манбалари ва ижрочилари сифатида хусусий сектор ҳамда давлат сектори фаолияти ажратилиб таснифланади. Таълим соҳасидаги давлат ДХШнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай келишув ҳам ижтимоий характерга эга, демак бундай лойиҳани амалга оширишда истеъмолчига ижтимоий хизматлар кўрсатилишига ҳамда қонуний ва меъёрий жиҳатдан асосланган бўлиши шарт ва зарур.

Шундай қилиб таълим соҳасида ДХШ қуйидаги вазифаларни ечади:

- ✓ ДХШ томонларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини қонуний ва меъёрий мустаҳкамлайди;
- ✓ Бизнесга бериладиган имтиёзлар кўлами кенгаяди;
- ✓ Давлат билан ҳамкорлик кафолатлари қонуний мустаҳкамланади;
- ✓ Давлат билан ҳамкорлик доирасида мажбуриятларни бажармаслиги ҳолатларида санкциялар ўрнатилади;
- ✓ Бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш ҳисобидан таълимнинг мулкий ва молиявий имкониятлари янада кенгаяди;
- ✓ Таълим муассасасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ҳисобидан унинг рақобатбардошлиги ошиб боради;
- ✓ Таълим жараёнининг инновацион инфратузилмаси яратилади.
- ✓ ДХШ томонларнинг биргаликдаги ҳаракатни назарда тутган ҳолда сенергетик самарадорлик ошади.

Юқорида кўрсатилиб ўтилган вазифаларнинг амалга ошиши мамлакатда таълим сифатини оширилишига салмоқли турдки бўлиб хизмат қилади. Таълим тизимидаги ДХШ маблағларнинг самарали сарф қилинишини оширади, давлат учун давлат хизматчилари эга бўлмаган махсус кўникмалардан фойдаланишга имкон беради, таълим жараёнига инновацион ғояларни тадбиқ этишга имкон яратади, таълим хизматлари сифатини оширишда ДХШни қўллашда замон ва бозор талабларидан келиб чиқиб янги талабларни қондиради.


***Манба ва адабиётлар рўйхати:***

1. *Vaxabov A.V., Tadjibayeva D.A., Xajibakiyev Sh.X. Jahon iqtisodiyoti va xalqaro iqtisodiy munosabatlar: darslik. – Toshkent.: Baktria press, 2015. – b.158.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг расмий сайти, https://pppd.uz/projects-custom (мурожаат этилган сана: 10.09.20)*
3. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги "Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 259-сон қарори. 1б. (ҚҲММБ: 09/19/967/4107-сон)*
4. *Barrera-Osorio, Felipe, Harry Anthony Patrinos, and Quentin Wodon. 2009. Public-private partnerships in education: Anoverview. In Emerging evidence on vouchers and faith-based providers in education: Case Studies from Africa, Latin America, and Asia, ed. Felipe Barrera-Osorio, Harry Anthony Patrinos, and Quentin Wodon. Washington DC: The International Bank for Reconstruction and Development/ The World Bank.*
5. *Садыхов А.П. Модель ГЧП в Китае: две стадии развития. Управление по планированию программ ГЧП и взаимодействию с МФО. Центр государственно-частного партнёрства Внешэкономбанка. 2010 г.*
6. *Варнавский В. Г., Клименко А. В.Государственно-частное партнерство: теория и практика. Высшая шко. 2013. 288 с.*
7. *Felipe Barrera-Osorio, Juliana Guaquet, и Harry Anthony Patrinos, The role and impact of public private partnerships in education, Public Private Partnerships in Education: New Actors and Modes of Governance in a Globalizing World, 2012. p.3-16*
8. *Tokhirov J. R. The role of state-private partnerships in improving the quality of educational services. the case of Uzbekistan. Journal of Management Value & Ethics (Aquarterly Publication of GMA) No.04 GIF 0.626 ISSN-2249-9512 Oct-Dec. 2019 Vol. 09 59-64 p. India.*
9. *Тохиров Ж.Р. Олий таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликнинг роли. Бизнес-эксперт. Бизнес-Daily медиа. -2019, 79-83 б. №12.*
10. *Tokhirov J. R. The effective use of state-private partnership in improving the quality of educational services //Вестник науки и образования. – 2020. – №.6 (84) Часть 2. 9-12 с. (Роскомнадзор Эл № ФС77-58456).*
11. *Felipe Barrera-Osorio, Juliana Guaquet, и Harry Anthony Patrinos, The role and impact of public private partnerships in education, Public Private Partnerships in Education: New Actors and Modes of Governance in a Globalizing World, 2012. p.3*